

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

### Зарубежный опыт

Бақоев М,  
Қобилов А.

#### ИҚТИСОДИЁТТА ТҮФРИДАН-ТҮФРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ҚИЛИШ: СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

1965 йилда Малайзия таркибидан мустақил давлат сифатида ажралиб чиққан вақтда Сингапурнинг иқтисодий ҳолати мінтақа давлатлари ичида нисбатан анча қолоқ әди. Табиий ресурсларнинг йўқлиги, худуднинг жуда кичиклиги, аҳоли турмуш даражасининг ўта пастлиги, ишсизлик, коррупция юқори даражада ривожланганлиги мустақил давлатни шакллантириш жараёнига жиддий тўсқинлик қилган. Шунга қарамай, Сингапур ҳукумати изчиллик билан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта ислоҳотларни амалга ошириди.

Иқтисодиётта хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида "очиқ эшиклар сиёсаны"дан фойдаланилди. Мамлакат иқтисодиётининг деярли барча секторлари хорижий инвесторлар учун кенг очилди.

Мамлакатнинг рақобат борасида устунлик қилиш имкониятини берувчи барча омиллардан жуда самарали фойдаланилди. Қулай географик жойлашув туфайли мамлакат қисқа вақт ичида дунёнинг энг йирик портларидан бирига айланди.

Кўшни давлатлардаги арzon ишчи кучи ва арzon хом ашёларни иқтисодиётта жалб қилиш, илғор ишлаб чиқариш ва бошқарув технологияларини ўзлаштириш стратегиясидан оқилона фойдаланиш сиёсати ўз натижасини берди. Маҳаллий ҳукумат томонидан мамлакатда жойлашган дунёнинг йирик корпорациялари, банк ва инвестиция компанияларидан замонавий бошқарув услублари ўзлаштирилди. Шу тариқа, жаҳонда тўпланган бой, илғор бошқарув механизмлари давлат ва хусусий секторларида муваффақиятли қўлланилди.

Бугунги кунга келиб Сингапур қуидаги шарт-шароитлар мавжудлиги жиҳатидан инвесторлар учун энг қулай мамлакатлардан бирига айланди:

- мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги таъминланганлиги;
- бизнес бошлашнинг осонлиги ва соддалиги;
- қулай инвестиция муҳити;
- инсоний капиталнинг юксак даражада ривожланганлиги;
- сифатли ва барқарор инфратузилма тизимининг мавжудлиги;
- ўта содда, қулай солиқ ва имтиёзлар тизимининг мавжудлиги;
- давлат бошқарувида информацион очиқлик даражасининг юқорилиги;
- коррупция даражасининг пастлиги ва ҳоказолар.

**БАҚОЕВ** Матёқуб Тешаевич, физика-математика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Қарорлар қабул қилиш назарияси» кафедраси мудири.

**ҚОБИЛОВ** Анвар Эшпўлатович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистри.

Сингапур давлати охирги 40 йил ичида барқарор иқтисодий ўсиш даражаси таъминланган давлатлардан бири ҳисобланади. 1997 йилдаги молиявий инқизороз даврида Сингапурга қўшни бўлган давлатлар иқтисодиётида кескин пасайиш юз берган бўлса-да, Сингапурда барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. 2008 йилда бошланган иқтисодий-молиявий инқизороз таъсирида АҚШ ва ЕИ мамлакатлари ҳали-ҳамон ўзига кела олмаган бир шароитда, Сингапур давлати ушбу инқизороз таъсиридан ҳам тезда қутулди, 2010 йилга келиб, дунёдаги энг юқори иқтисодий ўсиш таъминланган давлатлардан бирiga айланди (2010 йилдаги ЯММнинг йиллик ўсиш даражаси 14,8%).

Сингапур иқтисодиёти Moody's, S&P ва Fitch's лар томонидан AAA (Stable) баҳоси берилган Осиёдаги ягона давлатadir. Мамлакат иқтисодиёти электроника жиҳозлари ва машинасозлик экспортига, молиявий хизматлар, туризм ва дунёда энг катта юк ташиш ҳажмига эга бўлган денгиз порти бизнесига ихтинослашган.

#### 1-жадвал

### СИНГАПУРНИНГ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (2008-2012 йиллар)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012
ЯММ (млн \$ \$)	257,367	259,943	314,389	331,347	341,641
Инфляция даражаси (%)	6,6	0,6	2,9	5,2	4,6
Ишсизлик даражаси (%)	2,2	3,2	2,2	2,1	2,0
Ташки савдо айланмаси (млн \$ \$)	927,655	747,417	902,063	974,396	984,884
жумладан:					
Экспорт	476,762	391,118	478,841	514,741	510,329
Импорт	450,893	356,299	423,222	459,655	474,554

Мамлакатда инфляциянинг паст даражаси сақланиб қолган. Ишсизлик даражаси ҳам ўта пастлиги билан эътиборга молик. Мамлакат меҳнат бозорида ишчи кучи етишмовчилиги кузатилади. Бу етишмовчилик қўшни давлатлар (Малайзия, Индонезия, Хитой, Бирма, Лаос, Филиппин)даги арzon ишчи кучи ҳисобига қондирилади.

Ишлаб чиқариш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши 20-30% ни ташкил қиласди. Электроника маҳсулотлари (ярим ўтказгичлар ва ҳисоблаш техникалари) ишлаб чиқариш, фармацевтика, кимё саноати, қурилиш ва кемасозлик мамлакатнинг асосий саноат соҳалари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Сингапур иқтисодиётида молиявий хизматлар секторининг ўрни жуда катта. Мамлакатда бизнес муҳити ниҳоят даражада тараққий топғанлиги ва сиёсий барқарорлик таъминланганлиги туфайли кўплаб трансмиллий корпорация, банк ва инвестиция компаниялари ўз сармояларини Сингапур иқтисодиётига жойлаштироқда. Натижада, ТМКлар томонидан олиб келинган янги билим ва кўнижмалар, технологиялар, ноу-хаулар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштирилоқда. Ҳозирги кунда Осиё бозорида фаолият олиб бораётган АҚШ ва Европанинг кўплаб иирик молиявий муассасалари ва компаниялари штаб квартиralари Сингапурда жойлашган.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда казино бизнеси, соғлиқни сақлаш, таълим, ИКТ ва масс-медиа секторлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Сингапур экспортининг асосини машина ва жиҳозлар, электроника, истеъмол товаровлари, фармацевтика маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари, минерал ёнилги маҳ-

сулотлари ташкил қиласы. 2012 йилда экспорт ҳажми 510,3 млрд. долларни ташкил қилиб, экспортнинг энг катта улуши Гонгконг, Малайзия, АҚШ, Индонезия, Хитой ва Япония давлатлари ҳиссасига түғри келган. Мамлакатнинг импорти асосини машина ва жиҳозлар, минерал ёнилғилар, кимё саноати маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ташкил қиласы. 2012 йилда импорт ҳажми 474,5 млрд. долларни ташкил этган. Ўз навбатида, Сингапур АҚШ, Малайзия, Хитой, Япония, Индонезия ва Жанубий Корея каби давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қиласы. Сингапур давлати экспорт ҳажми бўйича дунёда 14-ўринни, импорт ҳажми бўйича 15-ўринни эгаллади.

Сингапурнинг хорижий инвесторларни жалб қилиш борасида эришган энг катта ютуғи шуки, бу ерда бизнесни бошлаш жуда осон. Иқтисодий фаолиятни бошлаш тартиботи ниҳоятда соддалиги билан ажралиб туради. Ушбу жараён оддий ва муаммолардан холи, электрон тарзда амалга оширилгани боис жуда тез кечади,. Бизнесни янгидан бошлашни хоҳловчилар 65 SD миқдоридаги мажбурий тўловни амалга оширгандан сўнг онлайн тарзида 15 дақиқа ичида рўйхатдан ўтказилади. Сингапур бизнесни юритиш индекси бўйича дунёдаги энг яхши давлатдир. Шунингдек, бизнесни юритишнинг кўплаб таркибий қисмлари бўйича дунё мамлакатлари ичида юқори кўрсаткичларга эга. Хусусан, бизнесни бошлаш бўйича дунёда 4-ўринда, қурилишга рухсат олишнинг осонлиги бўйича 2-ўринда, электр энергия билан уланиш тезлиги бўйича 5-ўринда, мулкни рўйхатдан ўтказиш бўйича 36-ўринда, кредит олиш тартибининг қулийлиги бўйича 12-ўринда, инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимояланиши бўйича 2-ўринда, соликларнинг енгиллиги бўйича 5-ўринда, муаммоларнинг бартараф этилиши бўйича 2-ўринда, шартномаларнинг баражилиши бўйича 12-ўринда эканлиги эътиборга молик ҳолатдир.

## 2-жадвал

### СИНГАПУРДАГИ БИЗНЕСНИ ЙОРИТИШ МУҲИТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ<sup>2</sup>

КЎРСАТКИЧЛАР	DOING BUSINESS 2013 РЕЙТИНГИ	DOING BUSINESS 2012 РЕЙТИНГИ	РЕЙТИНГДАГИ ЎЗГАРИШ
Бизнесни юритиш	1	1	Ўзгариш йўқ
Унинг критерийлари:			
Бизнесни бошлаш	4	4	Ўзгариш йўқ
Курилишга рухсатнома олиш	2	2	Ўзгариш йўқ
Электр энергияга уланиш	5	6	+1
Мулкни рўйхатдан ўтказини	36	36	Ўзгариш йўқ
Кредит олиши	12	9	-3
Инвесторлар манфаатларининг ҳимояланиши бўйича	2	2	Ўзгариш йўқ
Соликларнинг енгиллиги бўйича	5	4	-1
Муаммоларнинг бартараф етилиши бўйича	2	2	Ўзгариш йўқ
Шартнома шартларининг баражилиши бўйича	12	13	+1

Инвестиция муҳитининг ўта қулийлиги бўйича Осиё минтақасида фақатгина Гонгконгтина Сингапур билан рақобатлаша олади. Хорижий инвесторлар учун мамлакатда дўстона муносабат шакллантирилган. Инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ўта юқори даражада таъминланган. Мамлакатда, "хорижий инвесторларнинг манфаатлари - бу Сингапурнинг манфаатлари", - деган қоидага амал қилинади.

Сингапур ҳозирги кунда дунёдаги инвестиция потенциали бўйича энг яхши давлат<sup>3</sup>, ташки савдо ва инвестиция бўйича дунёдаги энг яхши З давлатдан бири<sup>4</sup>, бизнес қилиш осонлиги бўйича дунёдаги энг яхши давлат<sup>5</sup>, Жаҳон Иқтисодий Форуми ҳисботларига кўра 2001-2012 йилларда глобал рақобатбардошлиқ индекси бўйича дунёдаги энг яхши 2-давлат<sup>6</sup>, бизнес муҳити бўйича Жанубий-шарқий Осиё ва дунёдаги энг яхши давлат<sup>7</sup>, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича Осиёдаги энг яхши, дунёдаги 2-давлат<sup>8</sup>, коррупция даражасининг пастлиги бўйича Осиёдаги энг яхши ва дунёдаги 7 та давлатдан биридир<sup>9</sup>.

Сингапурнинг Нью-Йорк шаҳридан ҳам кичик бўлган территориясида стратегик аҳамиятга эга бўлган табиий бойликлар мавжуд эмас. Гарчи, Сингапур нефтни қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг йирик З та давлатдан бири бўлса-да, хом ашё четдан, асосан, Саудия Арабистонидан келтирилади.

Айтиш мумкинки, Сингапурнинг ҳақиқий табиий бойлиги бу — мамлакат аҳолисидир. Ушбу омил мамлакат иқтисодиёти муваффақиятининг асосий гаровидир. Сингапур аҳолиси ўртасида "ҳаётимиз мобайнида муттасил билим оламиз (Lifelong learning)" деган қатъий қоида шакллантирилган. Шу принципга мувофиқ мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириш тизими таъминланган. Миллий мутахассисларнинг чет элдаги малака ошириши, ўқишига кетадиган сарф-харажатларнинг 90%и давлат томонидан қопланади.

Сингапур мустамлакалик давриданоқ савдо ва ҳарбий денгиз портлари орқали яхши ривожланган инфратузилмага эга бўлган.

Мамлакатда транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга катта эътибор берилиши натижасида, ҳозирги кунда мамлакат самарали, хавфсиз ва барқарор транспорт тизимига эга. Мамлакат қуруқдиқда 3297 км.лик сифатли автомобиль йўли ва 138,2 км.лик темир йўл (метро) инфратузилмасига эга.

Сингапурнинг Чанги аэропорти ҳозирги кунда 57 та мамлакатнинг 182 та шаҳри билан ҳаво йўли орқали боғланган. Чанги аэропортида ҳафтасига 4000 дан ошиқ йўловчи ва юк ташиш бўйича қатновлар амалга оширилади.

**Сингапур аҳолиси ўртасида "ҳаётимиз мобайнида муттасил билим оламиз (Lifelong learning)" деган қатъий қоида шакллантирилган. Шу принципга мувофиқ мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириш тизими таъминланган.**

Сингапур порти 200 дан ошиқ линияларда, 123 мамлакатнинг 600 та денгиз портлари билан ўзаро қатновларни амалга оширади. Бир вақтнинг ўзида 1000 дан ошиқ кемаларнинг тўхташи натижасида Сингапур порти дунёдаги энг тирбанд портлардан бирига айланган.

Телекоммуникация тизими ҳам мамлакатда барқарор ривожланган. Мамлакатнинг ҳар

минг нафар аҳолисига 1225 нафар мобиль алоқадан фойдаланувчилар тўғри келади. Мамлакат аҳолисининг 99%и Интернетда онлайн режимида фаолият олиб боради. Кўплаб кафетерий ва ресторонларда, шунингдек, Чанги аэропортида миллий Wifi тизимидан текинга фойдаланиш мумкин.

Бизнес соҳасида фаолият олиб борувчилар учун маҳсус ер майдонлари ажратилиб, замонавий қулийликларга эга бўлган бизнес марказлари ташкил этилган. Сингапурнинг инвесторларни жалб қилишдаги яна бир устунлиги - қулий ва имтиёзли солиқ тизимининг амал қилишидир.

2003 йил 1 январдан бошлаб, Сингапурда бир поғонали солиқ тизимига (one-tier taxation system) ўтилган. Ушбу тизимга мувофиқ, акционерларнинг фойдадан олган дивидендори солиқдан озод этилган. Солиққа тортишда ҳудудийлик принциби асосланади, яъни Сингапурда топилган ва хорижий манбалардан мамлакатта олиб келинган ҳар қандай даромад мажбурий равишда солиққа тортилади. Сингапурда фаолият юритувчи норе-зидент компаниялар томонидан хорижий манбалардан топилган ва Сингапурга олиб келинмаган даромадлар солиққа тортилмайди.

2010 йилдан бoshлаб, Сингапурда ишлаб чиқариш субъектлари учун фойда солиғи ставкасы 17% қилиб белгиланган. Янгидан фаолият юритишни бошлаган бизнес субъектлари 3 йил давомида олган фойдаси 100,0 минг Сингапур долларига еттунига қадар фойда солиғидан озод қилинган. Шунингдек, ушбу муддат давомида кейинги 200,0 минг Сингапур долларының фойда учун 50% миқдорида имтиёзли солиқ белгиланган.

### 3-жадвал

<i>Солиқта тортиши манбалари</i>	<i>Солиқ ставкасы</i>
100,0 минг (\$\$) долларгача бўлган даромаддан	0%
101,0-300,0 (\$\$) минг доллар даромаддан	8,5
300,0 минг (\$\$) доллардан ошиқ даромаддан	17%
Кўшилган капитал солиқ ставкаси	0%
Акционерларга тақсимланадиган дивидендлар ҳисобидан ундириладиган солиқ ставкаси	0%
Чет элда ишлаб топилган ва Сингапурга киритилмаган фойда	0%
Чет элда ишлаб топилган ва Сингапурга киритилган фойдадан ундириладиган солиқ ставкаси	0-17%

### СИНГАПУРДАГИ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФОЙДА СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

Сингапурда қуйидаги солиқ турлари амал қилади:

- даромад (фойда) солиги - жисмоний шахслар даромади ва компаниялар фойдасидан олинадиган солиқ (жисмоний шахслар учун даромад солиғи ставкаси 0 - 20% оралиғида бўлиб, 20,0 минг долларгача бўлган даромадлар учун 0% лик ставка, 320,0 минг доллардан ошиқ даромад учун 20% лик ставка қўлланилади.)

- мулк солиги;
- автомобиль транспорти учун солиқ;
- божхона ва акциз солиги;
- мерос учун солиқ (2008 йилдан жорий этилган);
- товар ва хизматлар солиги (GST) - харид қилинган товар ва хизматлар учун олинадиган солиқ тури бўлиб, кўпгина давлатларда қўшилган қиймат солиғи деб юритилади. Сингапурда ушбу солиқ ставкаси 7% миқдорида белгиланган бўлиб, қисқа муддатта келган сайёҳлар ва меҳмонлар учун харид қилинган товарларнинг харид қилинганини тасдиқловчи чеклар тақдим қилинганда, ушбу ҚҚС чет эллик харидорга аэропорт ҳудудида нақд пул кўринишида ёки электрон шаклда қайтариб берилади;
- казино (тотализаторлар) солиги;
- муҳр йифими.

Сингапур ҳукумати томонидан инвесторлар учун қонунчилик, бизнес юритиш, солиқта тортиш соҳаларида жуда катта қулаликлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, хорижий инвесторлар Сингапурда ўзини "ўз уйидагидек" ҳис қилишига имконият яратилган. 2000 йилгача мамлакат учун стратегик аҳамиятта эга бўлган (телеқоммуникация, ОАВ, молиявий хизматлар, кўчмас мулкка эгалик қилиш) соҳаларда инвесторлар учун чекловлар ўрнатилган эди. 2000 йилдан бошлаб ушбу соҳаларга ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Олиб борилган "очиқ эшиклар сиёсати" орқали мамлакат иқтисодиётiga жалб қилинган хорижий инвестициялар салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Давлат томонидан маҳсус қабул қилинган дастурлар орқали инвестицияларни жалб қилиш кўлами жадон молиявий инқирози шароитида ҳам камаймаган. Хусусан, 2009 йилдан бўшлаб, туризм соҳасини ривожлантириш борасида жуда йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди.

**СИНГАПУР ИҚТИСОДИЁТИДА ТТХИ  
ҲАЖМИНИНГ ДИНАМИКАСИ<sup>10</sup>**

Минтақалар	2001	2003	2005	2007	2009	2011
млрд. Сингапур доллари						
<b>ЖАМИ ТТХИ</b>	<b>216.5</b>	<b>246.2</b>	<b>323.8</b>	<b>466.6</b>	<b>574.8</b>	<b>672.0</b>
<b>Европа</b>	84.5	103.9	140.0	198.3	222.2	252.0
<b>Осиё</b>	51.2	57.8	78.3	105.3	145.8	161.9
<b>Жанубий Америка</b>	34.7	38.1	50.1	91.0	121.8	146.3
<b>Шимолий Америка</b>	40.0	39.7	43.2	54.7	61.7	81.6
<b>Африка</b>	2.9	4.0	7.5	9.0	12.8	14.9
<b>Океания</b>	3.2	2.6	4.8	7.3	9.5	14.4

2012 йилга келиб, мамлакат иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми — 672,0 млрд. Сингапур долларига етди ёки 2001 йилга нисбатан 3,1 баробарга ошиди. Киритилган ТТХИларнинг 37,5%и Европа мамлакатлари (Голландия, Буюк Британия, Швейцария, Люксембург, Норвегия, Германия, Франция) ҳиссасига, 24,1%и Осиё мамлакатлари (Япония, Хиндистон, Гонгконг, Малайзия, Хитой, Тайвань) ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакат иқтисодиётига жалб қилинган ТТХИ ларнинг 43,1%и молиявий секторга (банклар, инвестиция, суғурта компаниялари), 20,4%и саноат соҳасига (фармацевтика, компьютер, электроника ва оптик буюмлар), 17,6%и улгуржи ва чакана савдо секторига, 5,9%и иммий техника тараққиётига, 5,3%и транспорт соҳасига, 4,1%и кўчмас мулк бозорига, 0,9%и информатика соҳасига ва 2,7%и бошқа соҳаларга жойлаштирилган<sup>11</sup>.

Ҳозирги кунда Сингапур портида 5 та Эркин савдо зонаси (ЭСЗ) фаолият олиб бормоқда. ЭСЗларда сотилган товар ва хизматларга ҳеч қандай бож ва тўловлар амалга оширилмайди, лекин ЭСЗ чегарасидан чиқсан вақтдан бошлаб товар ва хизматлар эгасидан белгилантган тартибда божхона тўловлари ундирилади. Божхона хужжатларини расмийлаштириши ўта осон ва қурай, ортиқча қофозбозликка йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Сингапурнинг муваффақиятли тажрибаси хорижий инвестицияларни жалб қилиш даражаси мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, қурай географик жойлашув, қурай инвестиция мұҳити, бизнес юритиш учун яратилган қурайликлар (солик, божхона имтиёзлари), ишчи кучининг салоҳияти каби кўплаб мұхим омилларга боғлиқлигини кўрсатмоқда.

### Манба ва адабиётлар

- 1. Yearbook of Statistics Singapore 2013, ISSN 0583-3655. Асосий манба: [www.singstat.gov.sg](http://www.singstat.gov.sg)
- 2. Doing Business Report, 2013
- 3. BERI report, 2011
- 4. Globalization Index, 2012
- 5. Doing Business Report 2012, World Bank
- 6. Global Competitiveness Report 2001-2012, World Economic Forum
- 7. Economist Intelligence Unit, Country Forecasts Report in December 2011
- 8. In its Global Competitiveness Report 2011 - 2012, the World Economic Forum
- 9. IMD World Competitiveness Yearbook in 2011
- 10. Report of the Economic Development Board of Singapore, 2012
- 11. Report of the Economic Development Board of